

ХУДОЙНАЗАРОВ Фахритдин Хантович
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази
Илмий тадқиқот бўлими ходими
E-mail: faxriolam@gmail.com

Keywords: *Imam at-Tirmidhi, hadith studies, as-Sunan, hasan hadiths, principle of moderation, Kutub as-Sitta, fight against radicalism, scientific methodology.*

КИРИШ

Ислом цивилизациясида ҳадисшунослик фани муҳим ўрин тутати. Бу фан Пайғамбар (с.а.в.) суннاتини сақлаш ва ислом билимларини илмий асослаш функциясини бажаради. Ушбу соҳада яратилган методологик ютуқлар орасида Имом Термизийнинг илмий мероси ўзига хос ўринни эгаллайди.

IX асрда Мовароуннахрнинг Термиз шаҳрида туғилган Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Термизий (209-279/824-892) ҳадисшунослик фанини янги босқичга олиб чиқди. У ўз замонасининг машҳур уламолари қўлида таълим олиб, умри давомида ислом оламининг илм-фан ривожланган кўплаб шаҳарларига илмий сафарлар қилди ва натижада ислом оламининг энг мўътабар ҳадис тўпламларидан бирини яратди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Замонавий дунёда радикализм ва экстремизм кучайиб бораётган шароитда, буюк уламоларнинг мўътадилликка асосланган илмий ёндашувларини ўрганиш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Турли диний оқимлар ўртасидаги зиддиятлар ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатаётган вақтда, Имом Термизийнинг мўътадил ва илмий асосланган методологияси муҳим аҳамият касб этади.

Имом Термизийнинг энг катта ютуғи “ҳасан” ҳадис категориясини илмий асослаб муомалага киритганлигидир. Унинг “ас-Сунан” асари “Кутуб ас-ситта” тўпламига киритилиб, асрлар давомида мусулмон уламолари учун мўътабар манба бўлиб хизмат қилмоқда. Имом Термизий ўз замонасининг етук уламолари қўлида тарбия топиб, илмий саёҳатлари давомида Ҳижоз, Ироқ, Шом ва Хуросон ҳудудларига бориб, машҳур муҳаддислардан сабоқ олди [2:104].

Ушбу илмий саёҳатлар натижасида олим “ас-Сунан” номли машҳур ҳадис тўпламини тасниф этди. Бу асар “Сунан ат-Термизий” ёки “ал-Жомеъ ал-Кабир” номи билан танилган бўлиб, ислом оламида “Кутуб ас-Ситта” деб номланган олти мўътабар ҳадис тўпламларидан

РАДИКАЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ВАСАТИЙЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ ПРИНЦИПА УМЕРЕННОСТИ ИМАМА ТЕРМИЗИ В БОРЬБЕ С РАДИКАЛИЗМОМ

THE IMPORTANCE OF IMAM TERMIZI'S PRINCIPLE OF MODERATION IN COUNTERING RADICALISM

Аннотация: Мақолада буюк муҳаддис Имом Термизийнинг (209-279/824-892) ҳадисшунослик фанига қўшган ҳиссаси, унинг “ас-Сунан” асари ва “ҳасан” ҳадис категориясини киритиши таҳлил қилинган. Унинг васатийлик тамойили ва замонавий радикализмга қарши самарали восита сифатидаги аҳамияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: Имом Термизий, ҳадисшунослик, ас-Сунан, ҳасан ҳадислар, васатийлик тамойили, Кутуб ас-Ситта, радикализмга қарши кураш, илмий методология.

Аннотация: В статье анализируется вклад великого мухаддиса Имама ат-Термизи (209-279/824-892) в науку хадисоведения, его труд “ас-Сунан” и введение им категории “ҳасан” хадисов. Раскрывается значение его принципа умеренности и важность как эффективного средства против современного радикализма.

Ключевые слова: Имам Термизи, хадисоведение, ас-Сунан, хасан хадисы, принцип умеренности, Кутуб ас-Ситта, борьба с радикализмом, научная методология.

Abstract: The article analyzes the contribution of the great muhaddith Imam Tirmidhi (209-279/824-892) to the science of hadith studies, his work “as-Sunan” and his introduction of the “hasan” hadith category. It reveals the significance of his principle of moderation and its importance as an effective tool against contemporary radicalism.

бири ҳисобланади. Имом Термизийнинг ҳадис илмига қўшган улкан ҳиссаси – у зот ҳадисларни нафақат ривоят қилиш, балки уларнинг ривоят санадлари ва матнларини танқидий таҳлил этиш усулини йўлга қўйганидир.

Имом Термизий ҳадисларнинг саҳиҳлиги, ҳасанлиги ва заифлиги ҳақида баҳолар беришда аниқ методология асосида иш тутган. Имом Термизий айниқса ҳадис ровийларининг сифатлари, уларнинг адашиш ва хато қилиш эҳтимоллари масаласига жиддий эътибор берган. Имом Термизийнинг ҳадисларни баҳолашдаги энг муҳим ютуқларидан бири, у ҳасан ҳадис тушунчасини илмий асослаб, уни амалиётга татбиқ этганидир.

Имом Термизий ўз асарларида ҳадисларнинг фақат зоҳирий маъноларинигина эмас, балки уларнинг тарбиявий, ахлоқий ва руҳий моҳиятини ҳам очиқ беришга алоҳида эътибор қаратган. Унинг фикрича, ҳадис – бу фақат тарихий маълумот эмас, балки инсон қалбини поклаш, ахлоқ-одобини юксалтириш, жамиятда адолат ва инсофни қарор топтириш воситасидир. Шу сабабли, алломанинг ҳадисларга берган шарҳлари ва фикҳий хулосаларида тарбиявий йўналиш доимо устувор бўлган [3:76].

“Ас-Сунан” асарида ҳадисларнинг зоҳирий маъноси билан бир қаторда, уларнинг ҳаётий ва ахлоқий қиймати ҳақида ҳам баёнлар берилган. Имом Термизий баъзи ҳадисларни келтириб, “ва фи-л-боб” деб номланган бўлимларда уларнинг фикҳий, ахлоқий ва тарбиявий жиҳатларини ёритган. Бу усул кейинги муҳаддислар ва фикҳ уламолари учун муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилди.

Имом Термизийнинг илмий-тарбиявий мероси нафақат ҳадисшунослик соҳасида, балки умумий ислом маърифатини юксалтиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Унинг илмга бўлган сидқидилдан ёндашуви ва ҳаётий намунаси кейинги авлод уламолари учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Муҳаддиснинг илмий услуби – бу тафаккур, таҳлил ва қалб ила идрок қилишнинг мукамал намунасидир.

Имом Термизийнинг илмий фаолиятидаги энг муҳим жиҳатлардан бири – “ас-Сунан” асарида ҳадисларнинг саҳиҳлигига катта эътибор берилган бўлиб, шу билан бирга, уларни ҳаётга татбиқ этишда эҳтиёткорлик ва мувозанатли ёндашув ҳам тавсия этилади. Бу

эса ҳар бир ҳадисга кўр-кўрона эргашиш эмас, балки унинг ишончлилигини текшириш ва моҳиятини англаш зарурлигини кўрсатади.

Радикал оқимлар кўпинча диний матнларни ўз мақсадларига мослаб, бир ёклама талқин қиладилар. Имом Термизийнинг илмий услуби эса ҳар бир маълумотга танқидий ва асосли ёндашишни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, диний матнларни юзаки ва хато талқин қилишнинг олдини олади. Бундай илмий ёндашув экстремистик оқимларнинг нотўғри талқинларига қарши энг самарали восита ҳисобланади.

Инглиз шарқшуноси Жонатан Браун ўзининг “Hadith: Muhammad’s Legacy In The Medieval And Modern World (Ҳадис: ўрта асрлар ва замонавий дунёда Муҳаммад (с.а.в.) мероси) китобида, Имом Термизийни шунчаки ҳадис тўпловчи эмас, балки ҳадис танқиди методологиясини янги босқичга олиб чиққан буюк олим ва ислохотчи, “ҳасан” атамасини киритиш орқали ҳадисларни таснифлашни такомиллаштирган методолог, ўз асарида ривоятларнинг даражасини очиқ-ойдин баён қилган ҳолис тадқиқотчи, Ислом ҳуқуқидан тортиб, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) шахсиятигача бўлган кенг қамровли билимга эга қомусий олим сифатида тасвирлайди [1:212].

Имом Термизий таълимотида васатийлик нафақат динда, балки ижтимоий муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган. Унинг ҳадисларни шундай услубда шарҳлаши бугунги кунда турли оқимлар ўртасида юзага келадиган радикал ғояларга қарши интеллектуал мўътадилликни таъминлайди. Масалан, у ихтилофли ҳадисларни келтирар экан, уларнинг турли шарҳ ва мазҳаблар томонидан қандай қабул қилинганини тўлақонли баён қилиб беради.

Аллома “ас-Сунан” асарида ҳадисларни келтирганда, кўпинча уларнинг ровийлари ва уларга берилган турли фикҳий шарҳларни зикр қилади, ҳадисларнинг амалий-қонуний қўлланилиши ҳақида турли мазҳаб уламоларининг (масалан, ҳанафий, моликий, шофийлар) фикрларини баён қилади. Унинг “ҳадисга амал қилишда уламолар ўртасида ихтилоф бор” деб таъкидлаши мулоҳазакор ва баҳс-мунозараларни ҳурмат қилувчи услубини кўрсатади. Бу эса ўқувчини ҳар хил қарашларга ҳурмат билан ёндашишга ўргатади [5:118].

Замонавий ислом олимларидан бири Мухаммад Мустафо Аъзамий ўзининг “Studies in Hadith Methodology and Literature” (Ҳадис методологияси ва адабиёти бўйича тадқиқотлар) номли асарида Имом Термизийнинг услуги ҳадисларнинг фикҳий татбиқи ва уларнинг ижтимоий-ахлоқий қийматини очиб беришга қаратилганини таъкидлайди. Мазкур асарда Имом Термизийнинг васатийликка асосланган илмий ва ижтимоий методологияси қайд этилган [2:93].

Бугунги кунда радикализм ва экстремизмнинг асосий илдишлари диний билимларнинг юзаки ва нотўғри талқин қилинишида, илмсизлик ва эҳтиросларга берилганликда ётади. Имом Термизийнинг илмий мероси орқали ёшлар онгида ҳолис, мўътадил ва илмга асосланган маърифий ислом тамойилларини шакллантириш жамиятдаги ҳар қандай кескинлик ва зўравонликларга қарши самарали восита ҳисобланади.

Имом Термизий васатийлик тамойилини нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам мустаҳкамлаган. Унинг ҳадисларга асосланган ахлоқий ғоялари ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари, муҳаббат ва самимият каби умуминсоний қадриятларни улуғлайди. Бугунги кунда бу жиҳатлар радикал ғоялар ва турли деструктив ғояларга қарши курашиш учун энг самарали усул сифатида хизмат қилиши мумкин.

ХУЛОСА

Экстремизмга қарши курашда Имом Термизий васатийлик тамойилининг аҳамияти таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, Имом Термизийнинг васатийликка асосланган илмий услуги, танқидий тафаккури ва мўътадил дунёқараши замонавий жамиятда экстремизм ва радикализмга қарши курашда, шунингдек, илмий-маънавий тарбияни юксалтиришда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, алломанинг “илм ва ҳикматни устувор қўйган” ёндашуви бугунги кун ёшлари онгида соғлом исломий маърифатни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Учинчидан, у ривоят қилган ҳадислар ва уларга берган шарҳларида инсоний муомала,

жамиятда тинчлик ва тотувликни сақлаш, таассубсиз ва мулоҳазали фикрлашни тарғиб қилган. Бу ғоялар ҳозирги кунда ёт ғояларга қарши мафкуравий курашда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Brown Jonathan A.C. Hadith: Muhammad's Legacy in the Medieval and Modern World (Ҳадис: Мухаммад (с.а.в.) мероси – ўрта асрлар ва замонавий дунёда). – Oxford, Oneworld Publications, 2009. – 308 б.
2. Muhammad Mustafu Azami. Studies in Early Hadith Literature (Илк давр ҳадис адабиёти тадқиқотлари). Indiana: American Trust Publications, 1978. – 341 б.
3. Мухаммад ибн Исо Термизий. Аш-Шамоил ал-Мухаммадия (Мухаммад алайҳиссаломнинг муборақ сийрат ва сифатлари). – Баҳрайн: Мактабату низоми яқубий, 2016. – 294 б.
4. Мухаммад ибн Исо Термизий. Сунан ат-Термизий. – Риёз: Муассасат Дору-с-салом, 2007. – 537 б.